

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВ ЛОЧИН ЭРКИНОВИЧ

**ЁШЛАРДА ҲУҚУҚИЙ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ
МУАММОЛАРИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (маданият назарияси)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Турсунов Лочин Эркинович

Ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари 3

Турсунов Лочин Эркинович

Социально-философские проблемы развития у молодёжи правовой-политической культуры 23

Tursunov Lochin Erkinovich

Socio-philosophical problems of development of legal and political culture among young people 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВ ЛОЧИН ЭРКИНОВИЧ

**ЁШЛАРДА ҲУҚУҚИЙ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ
МУАММОЛАРИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (маданият назарияси)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fal300 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Саидқосимов Акбар Исохонович**
фалсафа фанлари доктори, доцент

Қорабоев Усмон Ҳосилович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Термиз давлат университети**

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

С.А.Чориев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ижтимоий тараққиётидаги туб ўзгаришлар жараёни бугунги кунда аҳоли, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий онг ва сиёсий маданиятини ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда. Зеро, қонунчиликдаги баъзи номукамалликлар, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш кафолатларининг емирилиши, ҳуқуқий тизимнинг деформацияси ёшлар онгида ҳуқуқий ва сиёсий нигилизмга олиб келмоқда. Бу эса, дунё мамлакатларида ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий онги ва маданиятини шакллантириш масаласини ижтимоий воқеликни акс эттирувчи мафкуравий, психологик жараён сифатида кун тартибига қўймоқда. Айниқса, жаҳонда кечаётган сиёсий ва ҳуқуқий ўзгаришлар, дунёдаги пандемик ҳолат ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришни долзарб масалага айлантirdи.

Дунё илм-фанида инсон ҳуқуқларини, унинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти шаклланишининг ахлоқий, антропологик тамойилларини ишлаб чиқиш, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ривожлантиришга қаратилган илмий изланишлар муҳим назарий-методологик аҳамиятга эгадир. Айни пайтда, дунё илмий доираларида ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг инқироз ҳолати, улар онгида фундаментал ҳуқуқий ва сиёсий қадриятларнинг қадрсизланиши билан боғлиқ масалалар долзарблашиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг намоён бўлиш даражалари ва мезонларини, шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини бугунги даврга мос равишда фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш илмий-назарий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсати ҳуқуқий ва сиёсий соҳаларда янгича ёндашувни талаб қилмоқда. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим белгиси сифатида ёшларда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади”¹. Бу вазифани бажаришда эса аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ривожлантириш ва юксалтириш йўлларини, фундаментал асосларини махсус тадқиқот объекти сифатида фалсафий категориялар воситасида тадқиқ этиш ҳозирги кунда объектив зарурият ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон фармонлари, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5618-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 1-2-сон, 7-модда.

янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон қарори ва 2017 йил 7 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-443-сон Қонуни ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамиятда ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни ривожлантириш масалалари фалсафий тадқиқотларда долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ёшлар ҳуқуқий-сиёсий маданияти ҳолати, ички тизими ва ривожлантириш тенденциялари маданият назарияси, ҳуқуқ фалсафаси, сиёсат фалсафаси йўналишларида атрофлича ишланган.

Фалсафа тарихида “ҳуқуқий маданият” муаммосини ёритган мутафаккирлар қаторида Т.Гоббс, Дж.Локк, Ш.Монтескье, Н.Макиавелли¹ ва “сиёсий маданият” масаласини тадқиқ этган таниқли чет эллик олимлардан Г.Алмонд, С.Верба, Л.Пай, У.Розенбаум, Д.Каванах, Р.Роуз² ҳамда бошқа бир қатор мутахассисларнинг илмий тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

МДҲ олимларидан инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий ва сиёсий маданият шаклланишининг фалсафий, ахлоқий, антропологик тамойилларига оид айрим жиҳатларини С.С.Алексеев, А.П.Семитько, Е.А.Лукашева, В.В.Лазарева, А.Г.Спиркина, В.С.Нерсисянц³, В.П.Сальников, Т.Бюргенталь, К.Добблер, С.Глушкова, А.Головастикова, Л.Грудцына, Е.Лукашева, Р.Мюллерсон, А.Сунгуров, Э.Я.Баталов, В.П.Васильев, К.С.Гаджиев⁴, И.Н.Гомеров, Ю.В.Ирхин, Ю.С.Пивоваров, В.А.Щегорцов, Е.Л.Омельченко, О.И.Карпухина, Ю.Р.Вишневскийлар тадқиқ этишган.

Бундан ташқари А.С.Автономов⁵, А.Д.Богатуров, Е.Е.Гришнова, Н.М.Кейзеров, О.В.Мартышин, В.М.Петров, Л.А.Седов, С.М.Чаморроларнинг илмий асарларида ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг ўзаро уйғунликда ривожланиш масалалари ўз ифодасини топган.

¹ Гоббс Т. Избранные произведения: в 2 т. / Т. Гоббс. М.: Мысль, -1989.-Т. 2. – С. 715. Локк Дж. Сочинения: В 3 т. / Дж. Локк. М.: Мысль, 1985. — Т. 1. – С. 509.; Монтескье Ш. О духе законов / Ш. Монтескье. М.: Мысль, 1999. – С. 672.; Макиавелли Н. Сочинения / Н. Макиавелли. СПб.: Кристалл, 1996. – С. 615.

² Алмонд Г.А., Верба С. Гражданская культура и стабильность демократии // Политические исследования. 1992. № 4. С. 122-124; Verba S. Comparative Politics // Political Culture and Political Development / L.W. Pye, S. Verba (eds.) Princeton, 1965.; Rosenbaum W. Political culture: basic concept in political science. — N. Y., 1975. — P. 6-9; Kavanagh D. Political Science and Political. Behavior.L., 1983; Rose R. The Variability of Party Government // Political Studies/1969; Vol: 17. № 4.

³ Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. /Масъул муҳаррир А.Саидов. –Т.: Адолат, 2003.

⁴ Гаджиев К.С. Политическая культура: концептуальный аспект // Политические исследования. 1991. № 6. С. 69-84.

⁵ Автономов А. С. Соотношение политической и правовой культуры // Проблемы теории политики и права. — М., 1989.

Шунингдек, мамлакатимизда ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига оид илмий-назарий ва ҳуқуқий-ташкилий масалалар билан мунтазам шуғулланган олимлардан М.Ахмедшаева, Ф.Бакаева, Х.Бобоев, А.Гафуров, Б.Исмоилов, А.Мўминов, Х.Одилқориев, Х.Раҳмонқулов, А.Саидов¹, У.Тожихонов, М.Тиллабаев, Ш.Якубов, Г.Юлдашева, Х.Одилқориев, Ш.Ғойибназаров, А.Жалолов, С.Отамуратов², А.Қодиров, Р.Жумаев, Т.Жўраев, Н.Жўраев, С.А.Чориев ва бошқаларнинг асарларини таъкидлаш лозим. Олимлар муаммонинг ҳуқуқий-сиёсий жиҳатларини тадқиқ этганлар. Улар ўзларининг асарларида ҳуқуқий маданият ва сиёсий маданият атамаларини алоҳида тадқиқ этишиб, ҳуқуқий онг ва сиёсий онг, уларнинг трансформацияси ва ривожланиши, ҳуқуқий ва сиёсий маданият структураси, функциялари ва бошқа турли жиҳатларини акс эттирган.

Юқоридаги тадқиқотлар гарчи ҳуқуқий маданият ва сиёсий маданият бўйича алоҳида-алоҳида тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, лекин, ёшлар ҳуқуқий-сиёсий маданияти, уни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари ижтимоий воқеликка мос равишда фалсафий жиҳатдан яхлит тадқиқ этилмаган. Айнан ушбу ҳолат мавзумизнинг илмий нуқтаи назардан долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган ОФ-07-сон “Ҳаракатлар стратегияси контекстида умуминсоний кадриятлар ва жамият барқарорлиги” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг ривожланиш тенденцияларини очиқ бериш, муаммоларини аниқлаш ва истиқболдаги механизмларини кўрсатиб беришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маданий тадқиқотлар доирасида сиёсий маданият ҳодисасини ўрганиш;
ҳуқуқий маданиятнинг културологик таҳлилини ўтказиш;
«ҳуқуқий-сиёсий маданият» категориясининг янги фалсафий мазмуни ва моҳиятини очиқ бериш;
ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг ўзаро уйғунлигини асослаш, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш;
ёшлар ҳуқуқий-сиёсий маданиятининг асосий мезон ва меъёрларини тизимли ўрганиш асосида унинг ривожланиш мезонларини аниқлаш;
ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданиятини юксалтириш мақсадида нигилизмга қарши кураш механизмини ишлаб чиқишни илмий асослаш;
социологик тадқиқот натижалари асосида илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Саидов А.Х. // муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими –Т.: “O’zbekiston”, 2010. - Б. 286.

² Отамуродов С. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари // -Т.: “O’zbekiston”, 2015.

Тадқиқотнинг объектини мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ва замонавий глобаллашув шароитида уни ривожлантириш омиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг ривожланиш хусусиятлари ва омилларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ва қиёсий таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, тузилмавий-функционал, анализ ва синтез, социометрик (сўров, анкета, суҳбат-интервью), эксперимент каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқий-сиёсий маданият тушунчасининг ижтимоий-коммуникатив характери (вазоятни етарли даражада таҳлил ва талқин қилиш, билим ресурсларини баҳолаш, ҳуқуқий-сиёсий мулоқот) жамият тараққиёт даражасини белгиловчи муҳим омиллар эканлиги мантиқий жиҳатдан асосланган;

ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданияти даражасига таъсир қилувчи салбий омиллар (менталитетимиздаги қусурлар, сиёсий бефарқлик, ақидапарастлик, коррупция, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик, глобаллашувнинг салбий оқибатлари) ва ижобий омиллар (таълим тизими, ижтимоий тармоқлар, ахлоқий нормалар)нинг классификацияси ахлоқий категориялар контекстида аниқлаштирилган;

ёшлар ҳуқуқий-сиёсий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари (ҳуқуқий-сиёсий дахлдорлик, фаоллик) шаклланиши ва ривожланишида трансформацион жараёнлар (медиа тизим, ҳуқуқий-сиёсий тарғибот) уйғунлигини таъминлаш зарурлиги бирламчи омил эканлиги социометрик усул воситасида далилланган;

Ўзбекистон ёшларида ҳуқуқий-сиёсий маданиятни шакллантиришнинг ижтимоий бошқарув механизмлари (ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш, ҳуқуқий ва сиёсий таълимга креатив ёндашув)ни такомиллаштириш зарурияти фалсафанинг сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса категориялари воситасида очиб берилган.

Тадқиқотнинг ва амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ёшларида ҳуқуқий ва сиёсий маданият ривожланишининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари ўртасидаги диалектик алоқадорлик аниқланган ва ёшларда ҳуқуқий-сиёсий маданиятни ривожлантириш механизмларининг роли ва ўрни очиб берилган;

ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни ривожлантириш бўйича давлатнинг ёшларга оид давлат сиёсатини янада фаоллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Халқаро ва республика аҳамиятига эга илмий конференцияларда эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси тавсия этган ихтисослаштирилган журналларда чоп этилган мақолалар, ёшлар ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари асосида илмий анжуман ва давра суҳбатларида берилган ахборот ва тавсиялар, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги тўғрисида тегишли

ташкilotлардан олинган хулосалар билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тадқиқотда илгари сурилган концептуал ғоялар ва умумназарий хулосалар ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни ривожлантириш жараёнларини тадқиқ этиш асосида олинган натижалардан миллий ғоя, ижтимоий фалсафа, социология, маданиятшунослик, фуқаролик жамияти фанлари доирасида амалга ошириладиган тадқиқотлар ва шу йўналишдаги методологик назарий-илмий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи ташкilotлар томонидан халқимизнинг тарихий маданий-мероси, миллий ғоя, қадриятларни тарғибот қилишда, ёшлар иттифоқи, Маънавият ва маърифат Кенгаши ва унинг вилоят бўлимлари маърифий дастурларида, маҳаллалар, ижодий бирлашмалар ва ассоциациялар фаолияти самарадорлигини оширишда, ижтимоий тармоқ механизмларининг ролини кучайтиришда ҳамда таълим-тарбия тизимида мавзуга оид ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Тадқиқот натижасида ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ва таклифлар асосида:

ҳуқуқий-сиёсий маданият тушунчасининг замонавий мазмуни очиб берилиб, муаллифлик таърифи, ҳамда ҳуқуқий-сиёсий маданиятнинг ижтимоий коммуникатив характери асосланганлигига доир таклиф ва тавсиялардан “Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар” номли ўқув қўлланманинг “Миллий ўзликни англаш ва миллий ғурурни ўсиши демократик ўзгаришларнинг қонуний оқибати” деб номланувчи бобининг “Миллий маданият ва миллий ўзликни англашнинг ўзаро алоқадорлиги” деб номланувчи ҳамда “Миллатни глобаллашув тажовузидан ҳимоя қилишнинг назарий-ғоявий асослари” номли бобининг “Глобаллашувнинг миллий ривожланишига ўтказётган таъсири ва унинг оқибатлари” номли мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 январдаги 89-04-209-сон маълумотномаси). Бу эса ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни янада ривожлантиришга хизмат қилган.

ёшларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига таъсир қилувчи салбий омиллар (менталитетимиздаги қусурлар, ақидапарастлик, коррупция, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик, глобаллашувнинг салбий оқибатлари) ва ижобий омиллари (таълим тизими, ижтимоий тармоқлар, ахлоқий нормалар)га оид таклиф ва тавсиялардан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” номли дарслигининг “Инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфатларининг миллий ғояда акс этиши” номли 9-бобининг “Инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари тушунчаси, унинг маъно-мазмуни” мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги

89-06-89-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни ривожлантиришга хизмат қилган;

ёшлар ҳуқуқий-сиёсий маданияти ўзига хос спецификаси ва унинг шаклланишида трансформацион жараёнларнинг таъсирига оид таклиф ва тавсиялардан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” номли дарслигининг “Миллий ғояда сиёсий институтлар ва мафкуралар хилма хиллиги тамойили” номли 10-бобининг “Сиёсий институтларда ва сиёсий жараёнларда турли хил фикрларнинг эркин ифода қилиниши” мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-89-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларни қонунларга ҳурмат ва юксак сиёсий маданият соҳиби сифатида тарбиялашга хизмат қилган;

Ўзбекистон ёшларида ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни шакллантириш механизмлари (фуқаролар ўз ўзини бошқариш органларининг ўрни ва роли, ҳуқуқий ва сиёсий таълимга креатив ёндашув)га оид илмий янгилигидан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши томонидан маҳаллаларда ўтказилган “Ҳуқуқий билимлар” ўқув машғулотлар”и дастури сценарийсини тузишда фойдаланилган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашининг 2019 йил 30 октябрдаги 02-02/736-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллаларда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни ривожлантириш, уларни мутасадди жамоат уюшмалари атрофида бирлаштириш, ёшларни ватанпарварлик ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та илмий-амалий анжуманда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида 6 та мақола, (жумладан 5 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, объекти, предмети, мақсади ва вазифалари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий

қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ривожланишининг назарий-методологик масалалари**” деб номланган биринчи бобда ҳуқуқий ва сиёсий маданият тушунчаларининг илмий-назарий асослари, методологик-фалсафий негизлари, моҳияти, хусусиятлари ҳамда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг интеграциялашуви таҳлил қилинган.

Замонавий фанда ҳуқуқий маданият тушунчаси мураккаб, кўп қиррали ижтимоий ва ҳуқуқий ҳодиса сифатида жуда кўп талқин қилинмоқда. Бугунги кунда маданият ва умуман ҳуқуқий маданиятга оид барча илмий ёндашувларни учта — антропологик, фалсафий ва социологик жиҳатдан умумлаштирган ҳолда ўрганиш мумкин. Бундан ташқари ҳуқуқий маданиятга фалсафий, юридик, аксиологик, семиотик, культурологик ёндашувлар ҳам мавжуд. Ҳуқуқни билиш, ҳуқуқий билим ва кўникмаларга эга бўлиш, ҳуқуқий онгнинг юқори даражада ривожланиши ва энг муҳими, шахснинг ҳуқуқий хулқ-атвори ҳуқуқий маданият кўрсаткичи ҳисобланади.

Фалсафий ёндашув тарафдорлари томонидан ҳуқуқий маданият “соф аналитик” ҳодиса сифатида, маънавий маданият ва ҳуқуқий жараёнларга қадриятли ёндашилиб, ҳуқуқнинг регулятив сифатининг белгиланган ривожланиш даражасини ифодаловчи қадрият сифатида талқин қилиб келинган.

Социологик ёндашув тарафдорлари томонидан ҳуқуқий маданият - бу шахснинг ижтимоий интеграция воситаси бўлиб хизмат қилувчи, индивидуал ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий хатти-ҳаракатларнинг шаклланишига таъсир қилувчи ижтимоий институт сифатида талқин қилинади.

Аксиологик ёндашувга кўра ҳуқуқий маданият жамият томонидан яратилган, инсониятнинг ҳуқуқий маданияти ютуқлари таъсир қиладиган динамик тизим¹ саналади. Ҳуқуқий маданият “инсон ва жамиятни инсонпарварлаштириш мезони” бўлиб, ҳуқуқий давлат ва фуқароликнинг моҳияти, асослари ва тамойилларини акс эттиради. Ҳуқуқий маданият тушунчаси семиотик ёндашув доирасида ҳам ишлаб чиқилиб, уни “маълум таъқиқлар ва кўрсатмалар тизимида акс эттирилган жамоанинг бевосита хотираси” деб изоҳлашади. Культурологик ёндашув нуқтаи назаридан, жамиятни ҳуқуқий тартибга солиш жараёни моддий, ҳам моддий бўлмаган ҳуқуқий маданият деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳуқуқий маданият ҳақидаги фикр, қарашларни умумийлаштириб айтганда, *биринчидан*, ҳуқуқий маданият барча ҳуқуқий ҳодиса ва институтлар каби кенг маънода, инсоннинг дастлабки маданиятни ривожлантириш, янги ҳуқуқий қадриятларни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш натижаларини аниқлашга имкон беради; *иккинчидан*, ҳуқуқий маданият кишиларнинг билимлари, ҳуқуқий муносабатлари, ҳуқуқий хулқ-атвори ва ҳуқуқий онгида намоён бўлиши мумкин; *учинчидан*, ҳуқуқий маданият ҳуқуқий фаолиятнинг хусусияти, унинг даражаси, йўналиши,

¹ Низаева Ю.М. Правовая культура в современном обществе. В сборнике: Современные проблемы и перспективные направления инновационного развития науки. Сборник статей международной научно-практической конференции: в 2 частях. 2017. С. 190-191.

шакллари ва усуллари билан боғлиқ маданият шаклидир; *тўртинчидан*, ҳуқуқий маданият нафақат ҳуқуқий билимлар ва қарашларнинг уйғунлиги, балки уларни алмашиш, яратиш, сақлаш, тарқатиш, ишлаб чиқиш, истеъмол қилиш бўйича барча хатти-ҳаракатлардир. Ҳуқуқ соҳасидаги барча ҳодисалар ҳуқуқий маданият нуқтаи назаридан баҳоланиши мумкин; *бешинчидан*, ҳуқуқий маданият жамият ҳаётининг асосий томони, инсониятнинг прогрессив ривожланиш белгиси, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларда моддий ва маънавий қадриятларни шакллантириш, тўплаш ва ўзлаштириш нуқтаи назаридан тушунчадир. Юқоридаги таҳлиллар натижасида ҳуқуқий маданиятга қуйидаги таъриф келтирилган. Ҳуқуқий маданият – жамиятнинг ҳуқуқий компетенцияси, аҳоли қатламлари ва сиёсий ташкилотлар ўртасидаги “ҳуқуқий муомала” маданияти, жамиятда қонун устуворлиги умумий белгиси ва шахснинг эркинликлари билан боғлиқ ижтимоий бойлигидир.

Ҳуқуқий маданият билан бирга “сиёсий маданият” тушунчаси ҳам борки, улар бир-бирига функционал яқин, ташкиллаштирувчи тушунчалардир. Сиёсий маданият XVIII асрда давлатнинг сиёсий ҳаётини тушуниш методологияси сифатида вужудга келган. “Сиёсий маданият” атамаси немис файласуфи И.Г. Гердер томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, у “Инсоният тарихи фалсафаси ғоялари” асарида ишлатилган. Сиёсий маданият, сиёсий тажрибани шакллантириш, сақлаш ва етказиш тизими бўлиб, жамиятнинг ривожланиши, сақланиши ва ривожланишини таъминлайдиган қадриятлар ва нормалар тўплами вазифасини бажаради. Ҳар қандай маданият ўз ташувчиларининг онги ва хатти-ҳаракатларида амалга оширилганлиги сабабли, сиёсий маданият тегишли сиёсий онг ва ижтимоий гуруҳлар, шахсларнинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Ғарб маданий тараққиёти натижаси сифатида сиёсий маданият - рақобат қилувчи, бир-бирини тўлдирувчи қадриятлар, муносабатлар, қарорлар қабул қилиш ва низоларни ҳал қилишнинг оқилона йўли, жамият аъзоларининг қадриятлари, хатти-ҳаракати ва стереотиплари билан бир-бирига зид келадиган турли субмаданиятларга эгаллигини билдиради. Умуман сиёсий маданият таркибига сиёсий қарашлар, сиёсий қадриятлар, сиёсий нуқтаи назар, сиёсий жараёнларга муносабат, сиёсий хатти-ҳаракатлар, сиёсий анъаналар, сиёсий онг киритилган. Шарқда сиёсий маданиятни изоҳлашда кўпроқ тажриба, дипломатия, бошқарув маданияти ва хулқ-атвор бирлигига таянилган. Жамиятнинг ҳуқуқий-сиёсий маданияти нафақат ўзаро боғлиқ, балки ўзаро қарам, ўзаро бир бирини тўлдирувчи ва ўзаро таъсир қилувчи қиймат – семантик тизимлардир. Шу билан бирга, замонавий фанда, “сиёсий маданият”, “ҳуқуқий маданият” тушунчалари турли хил фан соҳаларига ажратилганлиги сабабли, уларни бир-биридан алоҳида кўриб чиқиш одат тусига кирган. Ҳозирги кунда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни биргаликда ўрганиш инсонни мураккаб ва зиддиятли вазиятларда тўғри йўл топа олиш, ўз манфаатларини ҳимоя қила олиш, демократияни ҳурмат қилишни одатга айлантириш, сиёсий толерант ва ғояда плюралист, сиёсий-ҳиссий босиқ

бўлиш, сиёсий экстремизмга нисбатан иммунитетни қарор топтириш, демократик менталитетни шакллантиришга эришишни билдиради.

Диссертацияда ҳуқуқий-сиёсий маданиятни шакллантириш жараёни учта таркибий қисмдан иборатлиги таъкидланади.

- 1) ижтимоий ривожланишнинг социал-маданий парадигмаси;
- 2) ёшларнинг дунёқараши ва индивидуал психологик хусусиятлари сифатида;
- 3) ёшларнинг ҳуқуқий нормаларни билишдаги мақсадга йўналтирилган, ташкил қилинган тизимли ҳуқуқий таълимдир.

Бугунги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муаммоларидан бири инсон ички фаоллигини ташқи реал фаоллик даражасига кўтариш ҳисобланади. Фаолликнинг шаклланишида ҳуқуқий-сиёсий билимлар англаниш ҳолда, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдалана билиш, амалдаги қонун ва нормаларга масъулият билан ёндашув имконини беради. Ҳуқуқий-сиёсий фаоллик замонавий жамиятни хавфсизлиги мезонларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий-сиёсий фаолликнинг пастлиги нафақат давлатнинг бу борада олиб бораётган сиёсатига боғлиқ, шу билан бирга фуқаролик институтларининг бўш ҳуқуқий тарбия ишлари билан боғлиқдир. Ижтимоий маънодаги “ҳуқуқий-сиёсий маданият” тушунчасига икки даражада: бутун жамиятнинг ҳуқуқий-сиёсий маданияти ва алоҳида шахснинг ҳуқуқий-сиёсий маданияти даражасида ёндашилиши мумкин. Бунда ижтимоий ҳуқуқий - сиёсий маданият, ҳуқуқий, сиёсий институтлар ва муассасалар, ҳуқуқий нормалар ва сиёсий онг, тамойиллар, улар фаолиятнинг диалектик муштарақ бирлигини ифодаловчи қадриятлар ва меъёрларининг сифат ҳолати деб баҳоланиши мумкин. Шахсга нисбатан эса, у сиёсий реалликни ўзлаштириш меъёри, ижтимоий ҳаёт, борлиқни идрок этишнинг ўзига хос ҳуқуқий кўзгуси тарзида намоён бўлади.

Ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданияти уларнинг манфаат ва эҳтиёжларини умуминсоний негизлари билан ўзида уйғун ҳолда акс эттириши билан ҳам характерланади. У умуминсоний негизларга зид эмас, балки маданиятнинг миллий тамойиллари негизида, уларнинг энг илғор жиҳатлари, умуминсоният манфаатларига мос келиши ҳисобида умуминсоний негизлар тизими шаклланади. Шу нуқтаи назардан ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданияти энг аввало, миллий замин билан боғлиқ бўлади. Унга таянади, ундан баҳра олади ва у билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Агар ундан узилиб қоладиган бўлса, миллий манфаатларига ҳам хизмат қила олмайди. Ҳуқуқий-сиёсий маданият — тарихий жиҳатдан ўрнатилган барқарор қадриятлар, нуқтаи назарлар, эътиқодлар, ғоялар, хулқ-атвор, сиёсий жараёнлар субъектларининг яқинлиги ва жамият ҳаётининг узлуксизлиги асосида қайта тикланишини таъминлайдиган тизим ҳисобланади. Глобаллашув шароитида ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданиятнинг шаклланиши ташқи таъсирлар натижасида ўзига хос тарзда кечмоқда. Бир томондан, бундай тенденция ёшлар ҳуқуқий-сиёсий маданияти ривожига ижобий таъсир кўрсатаётган бўлса, иккинчи томондан, ҳуқуқий-сиёсий маданият пойдевори бўлган ахлоқий маданият асосларини емиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбекистонда ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданиятини ошириш имкониятлари” деб номланиб, ёшларни ҳуқуқий-сиёсий маданиятини оширишга тўсқинлик қилувчи омиллар, ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни юксалтиришда таълим ва тарбиянинг аҳамияти тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг қадриятларини шакллантириш борасида кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ёшларни ҳам фаол иштирок этиши муҳим аҳамият касб этади. Ёшларимизнинг бугунги ўзгаришлар даврининг моҳияти, мақсадини чуқур англашлари ва шундан келиб чиқиб ташаббускор бўлишларини талаб этади. Бу эса ёшларимизнинг ҳуқуқий-сиёсий маданияти билан боғлиқ деб ҳисобланади. Ёшларимиз ҳуқуқий-сиёсий маданиятининг ривожланиши нафақат уларнинг бу жараёнларда фаол иштирок этишини, шу билан бирга, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, сиёсий жараёнларда ўз овозига, ўрнига эга бўлиши унинг эртанги истиқболини белгилашини англаб етишда ҳам кўмаклашади.

Ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданияти умумий маданиятнинг бир қисми бўлиб, ўзига хос қадрият, урф-одат, норма, маросим ва бошқаларни ўз ичига олган ҳолда, ижтимоий ҳаётнинг икки соҳаси уйғунлигида, давлат ҳокимияти институти, унинг ҳуқуқий нормалари ва уларни қатъий амалга оширишга бўлган ҳурматни шакллантиришда, шунингдек эскирган қонунларни янги жамият эҳтиёжларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни талаб қилишда намоён бўлади.

Ёшлар ҳуқуқий-сиёсий маданиятини оширишга тўсқинлик қилувчи омилларга менталитетимиздаги қусурлар, ақидапарастлик, коррупция, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик, ёшларни ҳуқуқий-сиёсий тарбиялашдаги муаммолар, ҳуқуқий нигилизм ва сиёсий саводсизлик, глобаллашувнинг салбий оқибатларини киритиш мумкин. Коррупция кўплаб соҳалар катори ёшларимиз ҳуқуқий-сиёсий маданиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу иллат жамиятда ҳар бир инсон ўз кучига ишониши, бунинг учун у ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиши каби қадриятларни заифлаштиради. Инсонда ҳуқуқий-сиёсий маданият асосида шаклланган ўзига ишончини йўқотади.

Ёшларда ҳуқуқий-сиёсий маданият шаклланишига тўсқинлик қилувчи яна бир омил бу уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик ҳисобланади. Бу иллат адолат ва ҳақиқат туйғуларини четлаб ўтиб, ўзига яқин инсонни масъул лавозимларга тайинлаш, биргаликда фаолият олиб бориш ёки ҳудудлар кесимида ёндашиб бошқа ҳудуддаги шахсга нисбатан камситиш назари билан қараш. Бу иллат ҳам жамиятимиз тараққиёти ва ёшларимиз ҳуқуқий-сиёсий маданияти учун жиддий таҳдидлардан бири ҳисобланади.

Бу жараён анча мураккаб бўлиб бугунги кунда ёшларимизда ҳуқуқий-сиёсий маданиятни ривожланишида тўсқинлик қилаётган бир қанча омиллар мавжудлиги, шу билан бирга бу борада бизда уларни баргараф қилишда маълум имкониятлар ҳам мавжуд. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда биз ушбу бобда ёшларни ҳуқуқий-сиёсий маданиятини оширишда тўсқинлик қилувчи омиллар, ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни юксалтиришда

таълим ва тарбиянинг маънавий-мафкуравий аҳамияти масалаларини ёритишга ҳаракат қилганмиз.

Ҳуқуқий-сиёсий тарбияни кўпчилик тадқиқотчилар икки босқичга ажратадилар:

1) фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий институтлар, энг аввало, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, давлат ва жамиятни бошқариш билан боғлиқ ҳуқуқий, сиёсий фаоллигини шакллантириш;

2) ана шу фаолликни фуқароларнинг шахсий ташаббускорлиги билан уйғунлаштириб, уни эътиқод даражасига кўтариш.

Ҳуқуқий-сиёсий таълим-тарбия борасида биз эътибордан четда қолдираётган бир муаммо бераётган таълим тарбиямизнинг амалиёт билан боғламаётганлигимиз ҳисобланади. Яъни, биз асосан мактабда ҳам, олий ўқув юртида ҳам Конституциянинг неча боблиги, унинг моҳияти ёки инсонни ҳуқуқи, эркинликлари, бурчлари ҳақида батафсил маълумот берамиз, аммо айнан уни амалиёт билан боғламаймиз. Аслида амалиётдан мисол олиб, уни назария билан боғлашимиз самаралироқ ҳисобланади.

Ҳуқуқий-сиёсий таълим ва тарбияни номигагина эмас, балки изчиллик билан, оддийдан мураккабга тамойили асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан ёшларимизнинг ҳуқуқий-сиёсий онгини ошириш ва ҳуқуқий-сиёсий маданиятини юксалтириш бўйича узоқ истиқболга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқиш ва илмий асосланган концепцияга таяниш керак. Концепцияда жамият ва давлат ташкилотларининг барчаси учун ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий онги ва маданиятини оширишга қаратилган йўл харитасини ишлаб чиқиш зарур.

Ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий тарбияси узвийлиги айнан жамиятдаги умумий ҳуқуқий аҳвол ва сиёсий ҳаётнинг чамбарчас боғлиқлигида ўз ифодасини топади, унинг барча соҳаларида ҳуқуқий сиёсий саводхонлик даражасини кўтариш, ҳуқуқий-сиёсий ҳодисаларга нисбатан иммунитетни ҳосил қилиш (*ҳуқуқий-мафкуравий асос*); ҳуқуқий ва сиёсий фаолиятнинг барча кўринишларини, сиёсий борлиқни англаш жараёнлари ҳамда давлат ва ҳуқуқий муассасаларнинг барча фаолиятини институционал англантиш (*фалсафий асос*); ёшларни мавжуд ҳуқуқ, қонун ва қонун ости ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, нигилистик кайфиятларни бартараф этиш, ўзаро ишончни уйғотиш, дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, жамиятнинг умумий ҳуқуқий, сиёсий ҳаётида фаоллигини кучайтириш, миллий онгни уйғотиш, ижтимоий борлиқдаги ҳуқуқий онга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш (*педагогик асос*)ни амалга ошириш зарур. Ушбу узвийлик ёшларни дахлдор, энг аввало, давлат ва ҳуқуқ институтларини умумий ҳуқуқий ҳаётини шакллантириш учун масъул қилиб қўяди.

Ёшларда ҳуқуқий-сиёсий тарбияни изчиллик асосида, соддадан мушкуллик томон олиб бориш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан ёшларимизнинг ҳуқуқий-сиёсий онгини ошириш ва ҳуқуқий-сиёсий маданиятини юксалтириш бўйича истиқболга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқиш, ёшлар ҳуқуқий-сиёсий саводхонлигини ошириш масаласи концептуал ёндашиш зарур.

Диссертациянинг учинчи боби «**Фуқаролик жамияти шароитида ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ривожлантириш истиқболлари**» деб номланиб, унда ёшларда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришдаги асосий мотивлар ва имкониятлар, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий фаоллигини ошириш механизмлари ҳамда ҳуқуқий нигилизмнинг олдини олиш чора-тадбирлари қамраб олинган.

Ёшлар ҳуқуқий-сиёсий онгининг юксалиши – бу ҳуқуқий саводхонлик натижасидир ва юксак ҳуқуқий маданият асосидир. Ёшлар ҳуқуқий-сиёсий маданияти жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, демократиянинг ўзига хос матрицасидир. Жамиятда гуруҳлараро ва шахслараро ҳуқуқий-сиёсий маданият қанчалик юқори бўлса, ундаги ижтимоий муносабатлар шунчалик маданиятлидир. Ҳуқуқий ва сиёсий маданият нафақат жамиятда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тўғри таҳлил қилишга, балки маълум даражада уларга келажакни башорат қилишга имкон беради.

Ҳуқуқий-сиёсий маданияти юқори бўлган ёшларнинг “ижтимоий лифт” орқали сиёсий жараёнларга жалб қилиш имконияти ҳам юқори бўлади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг давлат томонидан мустаҳкамланиши ва ҳимоя қилинишида ёшлар ўзларининг ҳуқуқий-сиёсий маданиятига асосланиб, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни талаб қилганда, улар кўллаб-қувватланилиши, уларнинг бу борадаги истак, талаб ва интилишлари давлат томонидан кўллаб-қувватланиши кафолатланади. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, қонун олдида ҳамманинг тенглиги ўз навбатида ҳар бир ёшни ҳуқуқий-сиёсий жиҳатдан маданиятли бўлишга ундайди. Нафақат ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билиш, шу билан бирга ўзгаларни ҳам ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, улар ҳам бу борада тенг имкониятга эга эканлиги уқтириб турилади.

Конституция ва қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий-сиёсий маданият қонунларни билиш ва уларга амал қилишга асосланади. Конституцияда уларнинг мавжудлиги ҳали масаланинг ечими эмас, масаланинг ечими унинг реал ҳаётда нечоғлик амал қилишидир. Амалда қонун устуворлигини таъминланиши ҳуқуқий-сиёсий маданият ривожини учун ҳам имконият, ҳам мотивация бўлиб хизмат қилади. Давлат бошлиғи ва ваколатли органларнинг сайлаб қўйилиши тамойили ёшлар сиёсий маданиятини айнан сайловларда иштирок этиш орқали ифодалашга имконият беради. Демак, сайловларнинг ихтиёрийлиги ҳам уларни ҳуқуқий-сиёсий маданиятини намоён этиш имкониятини беради. Жамият аъзолари, жумладан, ёшлар маълум бир мансабдор шахсни ўзининг ҳуқуқий-сиёсий маданиятини намоён этиб сайлайди. Кейинчалик ўша мансабдорнинг фаолияти сайловчилар билан боғлиқлиги, мансабдорнинг ҳисобдорлиги, ёшлар ҳуқуқий-сиёсий маданиятининг ривожини, уларни реал ҳаётда намоёйиш эта олишлари учун яна бир имконият ҳисобланади.

Демократик жамиятнинг энг муҳим, айтиш жоиз бўлса, марказий хусусиятларидан яна бири шундаки, ҳар бир инсон, шахс, фуқаро ўзининг яратувчилик, инсонийлик имкониятлари ва жиҳатларини рўёбга чиқара олишлари учун уларга илгариги даврларга қараганда кўпроқ ва кенгроқ

шарт-шароитлар ва имкониятларнинг яратилишидадир. Бунинг учун эса юқорида қайд этилгандек, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, эркин фаолият кўрсатиши ва мустақил ижодкорлиги ҳам таъминланиши талаб этилади. Мазкур йўналишдаги олий мезон бўлган инсоннинг ҳаётий зарур эҳтиёж ва манфаатларини рўёбга чиқаришдаги имкониятнинг берилиши демократияни янада мумкин қилади.

Ижтимоий-ҳуқуқий фаолликни тадқиқотчилар ижобий ва салбий бўлиши мумкинлигини қайд этадилар. Ижобий кўринишдаги ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик мезонини шахс манфаатларининг ижтимоий манфаатларга йўналтирилганлиги ёки уларнинг ўзаро уйғунлашганлиги билан ўлчанса, масалан, ёшлар ҳуқуқий-сиёсий маданиятини намойиш этиш орқали жамиятда ҳуқуқий-сиёсий маданият ривожига ҳисса қўшиши, аниқроғи ўзининг фаоллиги натижасида ўзгалар ҳуқуқий-сиёсий маданиятини ошишига хизмат қилади.

Ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги соф кўринишда учрамайди. Шахснинг асосий фаолияти, ўзининг аниқ манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолиятлари билан уйғунликда, сиёсий тизим ичида амалга ошади. Ҳатто киши юридик билимларини оширишга интилганида ҳам уларга ўзи дуч келган ҳаётий муаммони ҳал этиш учун мурожаат этади. Шу боис ижтимоий-ҳуқуқий фаолликка ёшларнинг асосий фаолияти, улар қизиқаётган у ёки бу фаолият турлари билан уйғунликда, уларнинг тизимида қаралиши даркор. Тадқиқотларда ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги қуйидагича белгиланган:

- 1) асосий касб-ҳунарга оид ҳуқуқий билимларни ўрганиш;
- 2) келгусида касб-ҳунарга оид лавозимларда ишлашга доир юридик маслаҳатлар олиш;
- 3) ўқув юртининг ижтимоий-ҳуқуқий ва маърифий-ҳуқуқий тадбирларида иштирок этиш;
- 4) ўқув юртидаги илмий, ижодий уюшмалар, назарий анжуманларда иштирок этиш;
- 5) жамоат ташкилотлари, нодавлат-нотижорат уюшмалар, фуқаролик йиғинлари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қатнашиш.

Ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик ёшларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий-ҳуқуқий ва маърифий-ҳуқуқий тадбирларда фаол иштирок этишларида акс этади. Ушбу фаолият жамиятдаги ижтимоий муҳитга таъсир қилади. Бу ўринда бир-бирига боғлиқ икки жараён уйғунлашиб келади. Биринчидан, ёшлар жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва маърифий-ҳуқуқий фаолиятида фаол субъект сифатида қатнашадилар, бу жараёнда ўзида ижтимоий, жамоатчилик хислатларини (масалан, ташкилотчилик, коммуникация, рекреация кабиларни) шакллантирадилар. Иккинчидан, улар ҳуқуқий билим ва тажрибаларини оширадилар. Кўриниб турибдики, жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий ва маърифий-ҳуқуқий тадбирлар талаба ёшларни ижтимоий-амалий фаолиятга, ҳуқуқий амалиётга жалб этиш билан тўлдирилган махсус чора-тадбирлардир.

Ёшларни ҳуқуқий-сиёсий фаоллигини ошириш механизмларидан бири сифатида ҳар бир маҳалла кесимида энг фаол ҳуқуқий-сиёсий маданиятли

ёшлар танлови ўтказиш, унда биринчи ўринни олган ёшларни маҳалла томонидан бир марталик моддий рағбатлантириш, туманда ҳам худди шундай танлов ўтказиш, унда биринчи ўринни олган талабгорни вилоят миқёсига чиқариш керак. Ғолибга тумандаги энг фаол ҳуқуқий-сиёсий маданият соҳиби кўкрак нишони берилш, уни моддий рағбатлантириш ва у туман Ёшлар Иттифоқининг маъсул лавозимларига тавсия этиш керак.

